



## Chief Editor

Dr. A. Singaraj, M.A., M.Phil., Ph.D.

## Managing Editor

Mrs.M.Josephin Immaculate Ruba

## EDITORIAL ADVISORS

1. Prof. Dr.Said I.Shalaby, MD,Ph.D.  
Professor & Vice President  
Tropical Medicine,  
Hepatology & Gastroenterology, NRC,  
Academy of Scientific Research and Technology,  
Cairo, Egypt.
2. Dr. Mussie T. Tessema,  
Associate Professor,  
Department of Business Administration,  
Winona State University, MN,  
United States of America,
3. Dr. Mengsteab Tesfayohannes,  
Associate Professor,  
Department of Management,  
Sigmund Weis School of Business,  
Susquehanna University,  
Selinsgrove, PENN,  
United States of America,
4. Dr. Ahmed Sebihi  
Associate Professor  
Islamic Culture and Social Sciences (ICSS),  
Department of General Education (DGE),  
Gulf Medical University (GMU),  
UAE.
5. Dr. Anne Maduka,  
Assistant Professor,  
Department of Economics,  
Anambra State University,  
Igbariam Campus,  
Nigeria.
6. Dr. D.K. Awasthi, M.Sc., Ph.D.  
Associate Professor  
Department of Chemistry,  
Sri J.N.P.G. College,  
Charbagh, Lucknow,  
Uttar Pradesh. India
7. Dr. Tirtharaj Bhoi, M.A, Ph.D,  
Assistant Professor,  
School of Social Science,  
University of Jammu,  
Jammu, Jammu & Kashmir, India.
8. Dr. Pradeep Kumar Choudhury,  
Assistant Professor,  
Institute for Studies in Industrial Development,  
An ICSSR Research Institute,  
New Delhi- 110070, India.
9. Dr. Gyanendra Awasthi, M.Sc., Ph.D., NET  
Associate Professor & HOD  
Department of Biochemistry,  
Dolphin (PG) Institute of Biomedical & Natural  
Sciences,  
Dehradun, Uttarakhand, India.
10. Dr. C. Satapathy,  
Director,  
Amity Humanity Foundation,  
Amity Business School, Bhubaneswar,  
Orissa, India.



ISSN (Online): 2455-7838

SJIF Impact Factor (2021):8.013

ISI I.F. Value : 1.241

DOI : 10.36713/epra2016

# EPRA International Journal of Research & Development (IJRD)

Monthly Peer Reviewed & Indexed  
International Online Journal

Volume: 6, Issue:10, October 2021

Indexed By:



Published By  
EPRA Publishing

CC License





## **SEMANTIC FEATURES OF THE TERM "TOURISM" IN ENGLISH AND UZBEK**

**Dildora KHOLBOEVA,**

*Tashkent Medical Academy, Department of Uzbek and Foreign Languages English Teacher*

### **ANNOTATION**

*A synonym of terms is considered one of the types of inconsistency of concepts and terms with terms, that is, there is an excess of means of formal expression of the concept. The problem of synonymy of terms, that is, the use of several special lexical units to denote one concept, remains one of the main and most important problems of terminology.*

**KEYWORDS:** *tourism, tour, travel, vocabulary, terminology.*

## **Инглиз ва ўзбек тилларида “туризм” атамасининг семантик хусусиятлари**

**Дилдора ХОЛБОЕВА**

*Тошкент тиббиёт академияси  
Ўзбек ва хорижий тиллар кафедраси  
инглиз тили ўқитувчиси*

### **Аннотация**

Терминларнинг синонимияси - терминлар тушунчалари ва терминлар номувофиклиги турларидан бири деб ҳисобланади, яъни бу ерда тушунчани расман ифодалашнинг воситалари ортикчалиги намоён бўлиши қайд этилган. Терминларнинг синонимияси, яъни бир тушунчани номлаш учун бир нечта махсус лексик бирликлардан фойдаланиш муаммоси атамашуносликнинг асосий ва энг муҳим муаммоларидан бири бўлиб қолмоқда.

**Калит сўзлар:** *туризм, тур, саёҳат, лексик, термин.*

### **Аннотация**

Синоним терминов считается одним из видов несоответствия понятий и терминов терминам, то есть здесь отмечается избыток средств формального выражения понятия. Проблема синонимии терминов, то есть использования нескольких специальных лексических единиц для обозначения одного понятия, остается одной из главных и важнейших проблем терминологии.

**Ключевые слова:** *туризм, тур, путешествие, лексика, терминология.*



Терминларнинг синонимияси - терминлар тушунчалари ва терминлар номувофиқлиги турларидан бири деб ҳисобланади, яъни бу ерда тушунчани расман ифодалашнинг воситалари ортиқчалиги намоён бўлиши қайд этилган. Терминларнинг синонимияси, яъни бир тушунчани номлаш учун бир нечта махсус лексик бирликлардан фойдаланиш муаммоси атамашуносликнинг асосий ва энг муҳим муаммоларидан бири бўлиб қолмоқда [Гринев-Гриневич С.В., 2008, 102-бет].

Терминлар бўлмаган, улардан кўплари кўп маъноли бўлган сўзлардан ташқари, бир фан доирасидаги терминлар бир маънолилик хусусиятига эга бўлиши лозим. Уларга аниқ чегараланган, асосан мотивацияланган ва асослангизилган ихтисослашув, ва абсолют семантик аниқлик хос бўлиши лозим. Лекин, битта лексик шакл билан бир нечта тушунчани, айниқса бир предмет соҳасига тегишли бўлган тушунчаларни номлаш, муҳим терминологик муаммолардан бири ҳисобланади, чунки у билимнинг деярли барча соҳаларида учрайди ва терминларнинг кўп маъноли бўлишига ва маъносининг ноаниқ бўлишига олиб келади, бу эса мутахассислар ва олимларнинг мулоқотини қийинлаштиради.

Терминнинг кўп маънолилиги муаммоси узоқ вақт давомида атамашуносликнинг анъанавий муаммоларидан бири бўлиб келган. Лекин бир лексик бирлик билан бир нечта тушунча номланадиган ҳолатлар, полисемия (кўп маънолилик) ёки омонимия каби малакаланиши мумкин. Атамашунослик адабиётида кўп йиллар давомида бу ҳолатнинг хусусиятлари юзасидан ўзгаришлар кузатилган.

тур - tour, туризм - tourism, турист - tourist лексемаларининг семантик хусусиятларини таҳлил қилиб, «tour» термини инглиз тилида анча кенг тарқалганлигини қайд этиш лозим. *Oxford English Dictionary* унинг қуйидаги таърифини беради: «a going or travelling round from place to place, a round; an excursion or journey including the visiting of a number of places in a circuit or sequence; often qualified, as cycling, walking, wedding tour». {«Бир жойдан бошқа жойга, айлана бўйлаб сайр ёки саёҳат; бир нечта жойга кетма-кет боришни ўз ичига олган экскурсия ёки саёҳат; кўпинча: велосипедли, пиёда, тўйдан кейинги тур каби малакаланади»). Айни пайтда, ҳамма луғатлар таркибида ушбу лексема топилавермайди. «Чет эл сўзлари луғати» да у «раксинг бир айланаси, ҳамда бирор нарсанинг атрофида битта якунланган ҳаракат, ёки у ерга бориш ва қайтиш» маъносига эга. Фақат Л.П. Воронкова таҳрири остидаги «Туризм, меҳмондўстлик, сервис: Луғат-маълумотнома», Е.И. Тамм таҳрири остидаги «Турист

энциклопедияси» каби ихтисослашган луғатлар ушбу терминнинг торроқ маънодаги таърифини беради. Яъни: «индивидуал ёки жамоавий асосда маълум йўналиш ва дастур бўйича, йўл чипталарини, меҳмонхона, транспорт, экскурсия хизматлари ва озиқ-овқат хизматлари, визаларни, суғурталашни расмийлаштириш ва ҳоказо хизматларни аввалдан захирага киритиш ва сотиб олиш билан ташкил этиладиган мажмуий туристик хизмати, саёҳат, сафар», «жиҳатлари (йўналиши, муддатлари, хизматлар тўплами) аввалдан режалаштирилган туристик саёҳат; туроператор фирмаси томонидан ягона нарҳда сотилган ҳолда ташкил этилади». Демак, «tour» оммавий инглиз терминидан фарқли равишда, русча «тур» термини бизни қизиқтирган маъносиде фақат туристик соҳада тарқалган.

*Инглиз тилида «tourism» термини, рус тилида унга эквивалент бўлган «туризм» терминига нисбатан кенгроқ маънога эга бўлади. Таққосланг:* «tourism - the theory and practice of touring; travelling for pleasure. Also, the business of attracting tourists and providing for their accommodation and entertainment; the business of operating tours» [*Oxford English Dictionary*]. («Туризм – лаззат олиш учун саёҳат қилишнинг назарияси ва амалиёти. Шунингдек, сайёҳларни жалб қилиш ва уларни яшаш жойи ва кўнгилочар тадбирлар билан таъминлашдан иборат бўлган бизнес; турларни бошқариш бўйича бизнес»). «*Замонавий адабий рус тили луғати*» да келтирилган дефиниция: «туризм – фаол дам олиш турларидан бири, билим олиш мақсадида, организмни чиниқтириш ва бошқа мақсадларда амалга ошириладиган саёҳатлардан иборат». Юқорида кўрсатилган ихтисослашган луғатлардан бирида қуйидаги дефиниция мавжуд: «туризм – бўш вақтида саёҳат қилиш (саёҳат, сайр), фаол дам олиш тури, соғломлаштириш, билим олиш, шахснинг маънавий ва ижтимоий ривожланиши воситаси» [Турист энциклопедияси, 1993 йил]. У ҳолда ҳам, бу ҳолда ҳам «tourism» терминининг маъноси кенгроқ бўлади. Луғатларда берилган таърифларга мувофиқ, «tourist» ва «tourist» терминларини тўлиқ эквивалент деб ҳисоблаш мумкин. «Tourist – one who makes a tour or tours; one who does this for recreation; one who travels for pleasure or culture, visiting a number of places for the objects of interest, scenery, or the like; a member of a touring sports team» [*Oxford English Dictionary*]. («Турист – турга ёки турларга борадиган киши; буни дам олиш мақсадида қиладиган киши; лаззат олиш учун ёки ўзини маданий бойитиш мақсадида, ҳар хил жойларга уларнинг диққатга сазовор жойлари, табиат манзаралари ва ҳоказоларини зиёрат қилиш учун бориб саёҳат қиладиган киши; туристик спорт



жамоасининг аъзоси»). «Турист – вақтинча яшаш давлатига (жойига) иш ҳақи тўланадиган фаолият билан машғул бўлмасдан, соғломлаштириш, билим олиш, касбий-иш, спорт, диний мақсадларда ва бошқа мақсадда, 24 соатдан 6 ойгача давр мобайнида ташриф буюрадиган, ва камида битта тунаб қолишни амалга оширадиган фуқаро» [Туризм, меҳмондўстлик, сервис: Словарь-справочник, 2002 г.].

Кузатишлар шуни кўрсатадики, туризмнинг баъзи тушунчаларини белгилаш учун узун синонимик қаторнинг мавжудлиги, турли изоҳли луғатларда айтилиши бир лексеманинг дефиницияларини таҳлил қилишга, ҳамда лексик бирликларнинг таржимаси адекватлиги ва тўғри бўлишини таҳлил қилишга олиб келиши аниқланган. Бунда «путешествие-саёҳат» термини таянч элементи сифатида олинган. Ўтказилган таҳлил натижасида «путешествие-саёҳат» лексемасининг энг адекват ва нейтрал таржимаси деб «journey» сўзини ҳисоблаш мумкинлиги аниқланган.

#### Адабиётлар

1. Mirzayev M, Aliyeva M. *Turizm asoslari.*- Tashkent, 2011.
2. Ушаков Д.С. *Технология выездного туризма. Учебное пособие.* – М.: Финансы и статистика, 2009. – 240 с.
3. Aliyeva M.T., Mirzayev M. va boshqalar. *Turizm huquqi. O'quv qo'llanma.* – T: Talqin, 2003. – 245 b.
4. Алиева М.Т. Развитие индустрии туризма // *Международные Плехановские чтения, 19 апреля РЭА. им.Г. В. Плеханова.* – М., 2006.
5. Алиева М.Т. Тенденции развития туризма в Узбекистане // *Пятнадцатые международные Плехановские чтения, 27 апреля РЭА.им. Г.В.Плеханова.* – М., 2002.
6. [www.uzbekturizm.uz](http://www.uzbekturizm.uz)
7. <http://en.wikipedia.org>.